

Ш.Юсупов
Н.Абдурахимов

Norton Commander ва Norton Utilities дастурлари

| Name | Name | Name | Info | 2 20a |
|----------|------|------|------|-------|
| pak | cif | | | |
| calc | com | | | |
| diskcop | com | | | |
| format | com | | | |
| arij | exe | | | |
| clock | exe | | | |
| clock.xt | exe | | | |
| fina | exe | | | |
| pkzip | exe | | | |
| smdrive | sys | | | |

The Norton Commander Version 3.0
Copyright (C) 1986-9 by Peter Norton

655,360 Bytes Memory
621,472 Bytes Free
33,435,648 total bytes on drive C:
20 files use 628,736 bytes in
C:UTILITE

No 'diskinfo' file in this directory

►UP DIR 1-26-80 2:55p

C:UTILITE
1 Help 2 Menu 3 View 4 Edit 5 Copy 6 RenMov 7 Mkdir 8 Delete 9 PullDn 10 Quit

68
56
- 31

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Ш.Р. Юсупов, Н. Абдураҳимов

4145G/1-1

Norton Commander ва Norton Utilities дастурлари

Тошкент - "Меҳнат" - 1994

"Компьютер саводхонлиги" тўпламининг мазкур иккинчи китобида Norton Commander, Norton Disk Doctor, Safe Format, UnErase ва UnFormat дастурлари билан таништирилади. Қўлланма олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта умум тълим мактаблари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари ва умуман IBM PC туридаги компьютерлардан фойдаланувчи барча касб эгалари учун мўлжалланган.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

Тўплам. 2- китоб.

Юсупов Шовкатжон Рихсибовиҷ, Абдураҳимов Нормат

Norton Commander ва Norton Utilities дастурлари.

Чоп этиш бўйича масъул: А.С. Мадраҳимов
Муҳаррир: Т.А. Нурмуҳамедов.
Техник муҳаррир: Т.А. Нурмуҳамедов, Т.В. Болынекова
Рассом: О.В. Бакликова
Мусаҳиҳа: М.А. Нурмуҳамедова

ОИБ №1285

Китобнинг оригинал макети Ventura Publisher нашр системаси ёрдамида тайёрланди. Dutch гарнитураси. Босмахонага топширилди 05.06.94 йил. Босишга руҳсат этилди 25.07.94 йил. Қоғоз бичими 84x108 1/32. Офсет усулида босилди. Шартли б.т. 3,36. Шартли кр.-отг. 3,60. Нашр б.т. 3,25. 50000 нусха. Буюртма №106. "Меҳнат нашириёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №21-94

Тошкент картография фабрикасида босилди. Полковник Асом Мухитдинов кўчаси 6-уй.

Баҳоси шартнома асбони

Библиотека

© "Шуъла" маркази, 1994

Сўз боши

Ҳурматли китобхон, Сиз "Компьютер саводхонлиги" тўпламининг дастлабки китобида ахборот тушунчаси, ЭҲМ тузилиши, операцион система, файл ва каталоглар системаси билан танишдингиз. Эътиборингизга ҳавола этилаётган қўлланма биринчи китобнинг узвий давомидир, унда Америкалик иқтидорли дастурчи Питер Нортон томонидан яратилган қатор дастурлардан фойдаланиш ёритилди.

Китобнинг биринчи қисми Norton Commander дастурига бағишлиланган. MS DOSнинг буйруқларини ЭҲМга киритиш кўп меҳнат, вақт ва қунт талаб қилиши сабабли MS DOS буйруқларидан осон ва самарали фойдаланиш имконини берувчи кўпгина DOS қатламлари яратилган бўлиб, уларга мисол тариқасида QDOS, PathMinder, PC Tools Deluxe, XTree, Microsoft Windows, DOSSHELL ва хусусан Norton Commander дастурини келтириш мумкин.

Norton Commander (кейинчалик қисқача NC деб юритамиз) кенг тарқалган дастурлардан бўлиб, фойдаланувчи учун ўзлаштириб олишга осон, файллар ва дисклар билан ишлашда эса бир қанча қулийликларга эга.

NCдан фойдаланаётган дастурчи NCни тарк этмасдан туриб бирор дастурни тузиши, тузилган дастурни таҳрирлаши ва ишга тушириши мумкин. NC DOSнинг киритилган буйруқларини эсда сақлайди, шу сабабли кейинчалик шу буйруқлардан яна фойдаланишга тўғри келганда, уларни такроран клавиатура орқали киритмаслик имконини беради. Фойдаланувчи томонидан танланган DOS буйруғи ёки амалий дастур бажариб бўлингандан сўнг яна NCга қайтиш содир бўлади.

Иккинчи қисмда умумий Norton Utilities номи билан юритилувчи амалий дастурлардан бир нечтасининг тавсифи келтирилган. Мазкур дастурлар ёрдамида Сиз компьютердан фойдаланиш жараёнида тез-тез учраб турувчи дискларни хавфсиз форматлаш, бузилган дискларни қайта тиклаш, улардаги ахборотни қутқариш каби муаммоларни ҳал этишингиз мумкин.

Китоб сўнгига келтирилган иловаларда Norton Commander дастури бўйича асосий маълумотлар мужассамланган.

Муаллифлар китобни нашрга тайёрлашда кўрсатган ёрдамлари учун Республика информатика ўқитувчилари ва мутахассислари уюшмаси директори Т. Хайдаровга ўз миннэтдорчиликларини билдирадилар.

Norton Commander дастури

Дастурни ишга тушириш

Сизга ҳавола этилаётган дастур билан ишлашда малака оширишнинг энг содда усули - дастурни ишга тушириш ва қўлланмадаги кўрсатмаларни бирма бир амалда синааб кўришдир. Келинг, Norton Commander дастурини (қўйида қисқача NC) ишга туширайлик. Бунинг учун аввало дистрибутив дисклардан компьютерингизга NC файлларини ёзib олишингиз — инсталляция қилмоғингиз даркор. Дистрибутив дисклар файлларни керакли каталогга жойлаштириш, дастурнинг аввалги версияси ўрнатилган бўлса, эски файллар нусхаларини сақлаган ҳолда уларни янгиларига алмаштириш ва autoexec.bat файлida кўрсатилган каталогта ўтиш учун йўлга оид қўшимчалар киритиш имконини беради. Инсталляция жараёни содда бўлганлиги туфайли унга тўхталиб ўтирмаймиз.

Компьютерингизда NCнинг барча файллари мавжуд бўлса, дастурни ишга тушириш учун буйруқлар сатрида pstartн ёзилгач, [Enter] тугмасини босиш керак:

C:\NC>pstart

NCнинг ЭҲМ хотирасидан камроқ жой олувчи, лекин секинроқ ишловчи туридан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунинг учун pc.exe файлини ишга тушириш керак. Бундай вазиятда pc буйруғи берилади (дастурнинг II версиясида бу файллар қўйидагича номланган: pstartn.exe - pc.exe, pc.exe - psmall.exe).

Дастур ишга тушгач, экранда файллар рўйхати ва улар ҳақидаги ахборотлар ёзилган қўш чизиқ билан чегаралангандиккита тўғри тўртбурчак шаклидаги ойналар пайдо бўлади. Аммо дастурнинг сўнги бор фойдаланилган вазиятини дастур томонидан сақлаб қолиш имкониятининг мавжудлиги туфайли бундай ойналар "кўринмас" ҳолатида бўлиши ҳам мумкин.

Norton Commander экраны

Дастур ишга туширилгач, экранда NCнинг ташкил этувчи қисмлари намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирини 1-расмда кўриш мумкин. Экрандаги NCнинг ташкил этувчи қисмларини бирма бир кўринмас ҳолатга келтириш ва яна қайтадан асл ҳолатига қайтариш имкониятлари мавжуд. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, экраннинг ташкил этувчилари билан тўлиқроқ танишиб чиқайлик.

Аввало барча ташкил этувчиларни кўринмас ҳолатга келтириб оламиз. Бунинг учун [Ctrl+O] сўнгра [Ctrl+B] тутгмаларини босиш керак. Табийки, буйруқларни киритиш сатрини кўринмас ҳолатга келтириш мумкин эмас. Энди экранни тозалаш — cls буйруғини киритинг. Натижада буйруқларни киритиш сатринигина кўриш мумкин бўлади.

Экранда ҳар бир ташкил этувчини алоҳида-алоҳида кўриб ўттайлик. Бунинг учун уларни бирма бир аввал ҳосил қиласиз, танишиб чиққач, яна кўринмас ҳолатга келтирамиз.


Юқорида қайд этилганидек, NC экраннинг асосий ташкил этувчилари тўғри тўртбурчак шаклидаги чап ва ўнг ойналардир. Чап (ўнг) ойнани ҳосил қилиш ёки қайтадан кўринмас ҳолатга келтириш учун [Ctrl+F1] ([Ctrl+F2]) тутгмаларидан фойдаланилади. Ҳосил қилинган, масалан чап ойна билан танишиб чиқайлик. Ойна юқорисида сақлагич номи, ичидаги эса тартиб билан ана шу сақлагичдаги каталог ва файллар номлари ёзилган. Рўйхатдаги бир каталог ёки файлнинг узунчоқ тўғри тўртбурчак шаклига эга курсор билан ажратилганига аҳамият беринг. Йўналиш тутгмалари ёрдамида ана шу курсорни ҳаракатга келтириш мумкин. Курсорни бирор бир файл устига келтиринг. Натижада ана шу ажратилган файл номи, узунлиги, яратилиши санаси ва вақти ҳақидаги ахборотни ойна қўйисидан ўқишининг мумкин бўлади. Чап ойнани ёпиб ўнг ойнани ҳосил қўлгач, ойналарнинг тузилиши ўхшаш эканлигини кўриш мумкин.

Ойналар билан янада тўлиқроқ танишиб учун уларнинг ҳар иккаласини очинг. Бу гал ойналарнинг фақатгина биридагина файлни ажратувчи курсорни кўришининг мумкин бўлади. Одатда курсорли ойна фаол ойна дейилади. [Tab] тутгаси билан сиз мазкур курсорни бир ойнадан бошқасига

ўтказишингиз, яъни фаол ойнани ўзгартиришингиз мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир ойнадаги файллар рўйхати кўринишини ўзгартириш имкониятлари ҳам мавжуд. Бундай ўзгартиришларга кейинроқ тўхталамиз. Ойналарнинг ҳар иккисини бирданига [Ctrl+O] тутгмалари билан ёпинг.

Экраннинг энг пастида эса эслатма-сатр жойлашган бўлиб, унда ўнта махсус тутгмалар ёрдамида бажариш мумкин бўлган амаллар номи ёзилган. Шуни ҳам аввалдан қайд этиб ўтиш мумкинки, мазкур сатр кўриниши баъзи амалларни бажариш жараёнида ўз гарииши мумкин. Амал бажарилиб бўлгач, сатр кўриниши ўз ҳолига қайтади. Бу эслатма сатрни очиш ва ёпиш учун [Ctrl+B] тутгмаларидан фойдаланамиз.

Экраннинг сўнги ташкил этувчиси дастур тавсияномаси — менюсиdir. Менюни экранда намоён қилиш учун F9 тутгасидан, ёпиш учун эса [Esc] тутгасидан фойдаланамиз. Аммо дастур ҳолатини шундай танлаш мумкинки, экран юқорисида меню доимо кўриниб туради. Бундай вазиятда F9 тутгасининг босилиши менюни фаоллаштиради. Фаол меню ҳам ўз курсорига эга бўлиб, мазкур курсор мавжуд бўлган беш бўлим номларидан бирини ажратиши — фаоллаштириш учун хизмат қиласи. [Enter] тутгаси босилгач, менюнинг фаол бўлими очилади. Йўналиш тутгмалари ёрдамида бўлимдаги амаллардан бирини танлашингиз, ёки қўшни бўлимни очишингиз мумкин.



I-расм. Norton Commander экраны ташкил этувчилари.

Ойналарнинг турли кўринишлари

NCнинг ҳар бир ойнасида қўйидагича ахборотларни ҳам кўриш мумкин:

- * дискдаги каталог файлларининг рўйхати (2-расмга қаранг).
- * дискдаги каталоглар шохобчаси (3-расмга қаранг).
- * қўшни ойнадаги диск ва каталоглар ҳақидаги ахборот (4-расмга қаранг).

Агар ойнада каталог файлларининг рўйхати жойлашган бўлса, у ҳолда ойна юқорисида шу каталогнинг номи кўриниб туради. Ҳар бир сақлагич ва каталоглардаги барча файллар рўйхатини (менюнинг "Left" ("Right") бўлимидаги "Brief" амалини бажариш билан) ёки ана шу файллар ҳақидаги тўлиқ ахборотларни (менюнинг "Left" ("Right") бўлимидаги "Full" амалини бажариш билан) ойналарда кўриш мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам ойнадаги курсорни бирор қисм каталог ёки файл устига келтириш натижасида, ана шу каталог ёки файл ҳақидаги ахборотни ойна қўйисидан ўқиши мумкин.

| Name | Name | Name | D:\W&D6 | Name | Name | D:\W&D6 | Date | Time |
|----------|------|------|---------|----------|------|---------|---------|-----------------|
| .. | | | | TXT | | UP-DIR | 4-29-94 | 1:01p |
| wd | com | | | wd | com | SUB-DIR | 6-07-94 | 6:28a |
| capture | exe | | | capture | exe | | 57600 | 10-23-93 12:03a |
| fontedit | exe | | | fontedit | exe | | 6295 | 6-14-93 3:39p |
| wd | fnt | | | wd | fnt | | 17466 | 8-02-93 9:38a |
| wd1 | fnt | | | wd1 | fnt | | 96701 | 5-27-94 7:53a |
| wd2 | fnt | | | wd2 | fnt | | 96701 | 5-07-94 11:24a |
| wd | hlp | | | wd | hlp | | 2048 | 5-09-94 12:12a |
| | ini | | | | ini | | 37768 | 10-22-93 5:40p |
| | | | | | | | 4257 | 5-28-94 5:07p |
| | | | | | | | | |
| TXT | | | | wd.com | | | 57600 | 10-23-93 12:03a |
| | | | | | | | | |

D:\W&D6> 1Help 2Menu 3View 4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9PullDn 10Quit

2-расм. W&D6 каталогидаги файлларининг рўйхати (чат ойна) ва мазкур файллар ҳақидаги тўлиқ ахборотлар (ўнг ойна).

Каталог мундарижасидаги файллар номи кичик ҳарфлар билан, каталоглар номи эса бош ҳарфлар билан ёзилган бўлади. Каталоглар номининг кенгайтмаси бўлмайди ва ойна тўлиқ ахборот чиқариш - Full ҳолатида бўлса (2-расмда ўнг ойна), иккинчи устунда Sub-dir ёзуви бўлади.

Мундарижанинг энг юқорисида она каталогга ўтиш сатри жойлашади (ўзак каталогда бундай сатр бўлмайди). Она каталогга ўтиш сатрида (..) белгиси бўлади, ойна тўлиқ ахборот чиқариш - Full ҳолатида бўлса, иккинчи устунда Up-dir ёзуви бўлади. Файллар учун бундай кўринишдаги ойнанинг иккинчи устунидан файл узунлигини, учинчи устунидан яратилиш санасини ва сўнги - тўртинчи устунидан яратилиш вақтини кўришингиз мумкин.

Ойнада каталоглар шохобчаси жойлашган бўлса, юқорисида "Tree" сўзи кўриниб туради. Ойнани бундай кўринишга келтириш учун менюнинг "Left" ("Right") бўлимидаги "Tree" амалини бажариш керак.


| Name | Name | Name |
|---------|--------------|----------------|
| ANTIIR | WINWORD | display |
| DOS | autoexec bat | sys |
| KBD | g bat | himem sys |
| KITOB | 800 com | keyboard sys |
| KITOB2 | 8x8usb com | mouse sys |
| MIRROR | Printr vdisk | sys |
| NC | command | sys |
| HDD | egauzb com | sys |
| RWORKS | gmouse com | sys |
| SAKHR | rkl com | sys |
| SHEZ | uzb com | sys |
| STB | uzbprn com | sys |
| S2B | vgausb com | sys |
| TYPESET | treeinfo ncd | sys |
| UTILIT | Io | sys |
| VENTURA | Msdos | sys |
| WD | config | sys |
| WINDOWS | country | sys |
| | ►SUB-DIR | 4-24-94 12:09p |
| | | C:\ |

C:\> 1Help 2Menu 3View 4Edit 5Copy 6RenMov 7Mkdir 8Delete 9PullDn 10Quit

3-расм. Каталоглар шохобчаси (ўнг ойна).

Агар ойнага диск ва каталоглар ҳақидаги ахборот жойлашган бўлса, юқорисида "Info" сўзи кўриниб туради. Ойнани бундай кўринишга келтириш учун менюнинг "Left" ("Right") бўлимидаги "Info" амалини бажариш керак. Ойнани бундай ҳолатга келтиргач, тезкор хотира, қўшни ойнадаги

сақлагыч ұажми ва рўйхати кўрсатилаётган каталогдаги барча файллар сони ҳамда ана шу файллар узунлуклари йиғиндиси ҳақида ахборотларни ўқишингиз мумкин.



4-расм. Кўшини ойнадаги диск ва каталог ёки каталоги ахборот.

Ажратилган файл ёки каталог

Экрандаги бирор файлнинг ёки каталогнинг номини кулранг тўғри тўртбурчак шаклидаги курсор ёрдамида ажратиш мумкин. Бундай файл ёки каталогни ажратилган деймиз. Файл ёки каталогни ажратувчи тўғри тўртбурчак курсорни клавиатуранинг йўналиш тугмалари - [←], [→], [↑], [↓] ва [PgUp], [PgDn] ёрдамида экран бўйлаб силжита оламиз, натижада бошқа файл ёки каталог ажратилган ҳолатга ўтади.

[Tab] тугмаси ёрдамида курсорни қўшни ойнага ўтказиш мумкин. Курсор қайси ойнада турган бўлса, шу ойна фаол дейилади.

Агар бирор каталогни ажратиб сўнгра [Enter] тугмаси босилса, ана шу каталог мундарижаси экранга чиқади. Она каталогга қайтиш учун курсорни мундарижа юқорисидаги ".." сатрга келтириб [Enter] тугмасини босиш керак.

Агар бирор файлни ажратиб [Enter] тугмаси босилса, NC шу файлнинг кенгайтмасига қараб турлича иш бажариши мумкин. Масалан:

- | | |
|------------------|--|
| .com, .exe, .bat | — файллари ишга тушади; |
| .chi | — файлни таҳрирлаш учун ChiWriter чақирилади; |
| .doc | — файлни таҳрирлаш учун Microsoft Word чақирилади; |
| .pas | — Turbo-Pascal чақирилади; |
| .c | — Turbo-C чақирилади; |
| .zip | — архивнинг мундарижаси экранга чиқади. |

Файлнинг кенгайтмасига қараб бажариладиган юқоридаги амаллар nc.ext файлда кўрасатилган бўлади. nc.ext файлини таҳрирлаш баёни кейинроқ берилган. Агар дастур файллари таркибида nc.ext файли бўлмаса ёки файллар кенгайтмаларига қараб кўрсатилиши керак бўлган муносабатлар nc.ext файлига ёзилмаган бўлса, у ҳолда юқоридаги амаллар бажарилмайди (.exe, .com, .bat кенгайтмали файллар бундан мустасно).

Махсус тугмаларнинг қўлланилиши

NC экранининг қўйи қисмida эслатма-сатр жойлашган бўлиб, махсус ўнта тугмаларнинг ҳар бирига биркитилган амаллар қисқача кўрсатилган.

- | | |
|-----------|--|
| [F1]-Help | - NC билан ишлаш бўйича қисқача қўлланма |
| [F2]-Menu | - фойдаланувчи томонидан тузилган тавсиянома; |
| [F3]-View | - ажратилган файлни кўриш; |
| [F4]-Edit | - ўлчами 26480 байтлача бўлган файлларни таҳрирлаш; |
| [F5]-Copy | - файллардан нусха олиш. Олинадиган нусхани қаерга жойлаштириш ҳақида экран ўртасида сўров пайдо бўлади. Агар сўров жавобсиз қолдирилса, нусха қўшни ойнада кўрсатилган фаол каталогга жойлашади, хоҳишга кўра бошқа каталогни танлаш мумкин. Нусха олишни бошлиш учун [Enter] тугмаси, бекор қилиш учун эса [ESC] тугмаси босилади. Бир каталог доирасида нусхаси олинувчи ва ҳосил қилинаётган файлларнинг номлари турлича бўлиши зарур; |

[F6]-RenMov – файлни (каталогни) қайта номлаш ёки күчириш - бошқа каталогга ўтказиш. Қайта номлаш ёки күчиришни бошлаш учун [Enter] тұгмаси, воз кечиш учун эса [Esc] тұгмаси босилади;

[F7]-Mkdir – янғын каталог очиши;

[F8]-Delete – ажратылған файлни (танланған файллар түпламини) ўчириш;

[F9]-PullDn – NCнинг менюси - тавсияномасини фаолластириш;

[F10]-Quit – NC дан чиқыш;

Файллар түпламини танлаш.

Бирор файлни танлаш (яғни түпламга киритиш учун) шу файлни ажратиши - курсорни унинг устига келтириши ва [Ins] тұгмасини босиши керак. Агар [Ins] тұгмаси тақроран босилса, танлаш бекор қилинади.

Бирор умумий белгисига күра файллар түпламини танлаш учун клавиатуранинг ўнг қисмидаги күл ранг [+] тұгмаси босилади ва шу умумий белги киритилади, сүнгра [Enter] тұгмаси босилади. Агар умумий белгини киритмасдан [Enter] тұгмаси босилса, у ҳолда фаол каталогдаги барча файллар түпламга киритилади. Умумий белгиларни ифодалашда * ва ? белгиларидан фойдаланиш мүмкін, бу белгиларнинг маъноси худи MS-DOS буйруқларидаги кабидир. Умумий белгисига күра файлларни танлашни бекор қилиш учун клавиатуранинг ўнг қисмидаги күл ранг [-] тұгмасын босилади ва умумий белги киритилади, сүнгра [Enter] тұгмаси босилади.

Танланған файл (файллар түпләми) экранда сариқ рангда күринади. Қора-оқ дисплейда эса равшанроқ бўлиб кўринади. Экраннинг қуви қисмига эса танланған файллар сони ва уларнинг хотирада әгаллаган ҳажми ҳақидаги ахборот чиқади. Танланған файллар түплами устида маҳсус тұгмалардан фойдаланиб, қуийдаги амалларни бажариш мүмкін:

[F5]-Copy – нусхасини бошқа каталогга күчириш;

[F6]-RenMov – бошқа каталогга күчириш ёки қайта номлаш;

[F8]-Delete – ўчириш;

Файлни кўриш.

[F3] тұгмасини босиши билан курсор ёрдамида ажратылған файлни кўриш мүмкін. Norton Commander дастури матн файлларини, маълумотлар жамламаларини, электрон жадвалларни кўриш имконини беради. Кўриб чиқишида курсорни матн бўйлаб йўналиш тұгмалари ҳамда қуийдаги тұгмалар ёрдамида сурис мүмкін: [PgUp], [PgDn], [Home], [End]. Охирги иккиси тұгма матн бошига ва охирига ўтишини таъминлайди.

Матн файлларини тезроқ кўриш учун [Alt + F3] тұгмалари босилади. Бу усул фақат матн файлларини кўриш имконини беради.

[CTRL+Q] тұгмаларини босиб, бир неча файлни тез суръатда кўриш ҳолатига ўтилади, юқоридаги тұгмалар қайта босилса, мазкур ҳолатдан чиқылади. Бу ҳолатда қўшни ойнада курсор турган файл матни кўринади, курсорни бошқа файлга ўтказсан, қўшни ойнада унинг матни кўринади. Шу тариқа тезлик билан бир неча файлни кўриб чиқиши мүмкін.

[Tab] тұгмасини босиб, матнли ойнага ўтиш ва курсорни юқоридаги тұгмалар ёрдамида сурис, матннинг исталған қисмини кўриш мүмкін. Файлни кўриб бўлгач, [Tab] тұгмасини босиб қўшни ойнага ўтилади. Бутун экранда файлни кўриш учун [F3] тұгмасини босилади, бунда юқорида тавсифланған файлни кўришнинг оддий ҳолатига ўтилади.

Бир неча файлни тез кўриш ҳолатида ажратылған файл .exe ёки .com кенгайтмали бўлса, дастур бу ҳақда хабар беради. Уни кўриш учун [F3] тұгмаси босилади, бажариш учун эса [Enter] тұгмасини босиши керак.

Файлни таҳрирлаш.

Курсор ажратиб турган файлни таҳрирлаш учун [F4] тұгмасини босамиз, бунда Norton Commander таркибиға кирган матн муҳаррири чақирилади ва файл матни экранда кўринади. Мазкур муҳаррир ёрдамида ҳажми 26480 байтдан кўп бўлмаган файлларни таҳрирлаш мүмкін. Сиз танлаган файл узунроқ бўлса, экранга бу тўғрида хабар чиқарилади. Бу ҳолатда йўналиш тұгмалари ёрдамида [View] - кўриш ҳолатига ўтиш

ёки [Cancel] - таҳрирлаш ҳолатини бекор қилиш мумкин. Улардан бирини танлагач, [Enter] тұгмасини босишни унұтманг. Матнни таҳрирлашда қүйидаги тұгмалар ишлатилади:

- Йўналиш тұгмалари – курсорни мос равища ўнгга, чапга, юқорига, пастға суриш;
- [PgUp], [PgDn] – бир сатр юқорига ёки пастға суриш;
- [Home], [End] – матн бошига, охирiga ўтиш;
- [Ctrl+←], [Ctrl+→] – бир сүз чапға ва ўнгга;
- [Enter] – кейинги сатрга ўтиш;
- [Del] – курсор турған жойдаги белгини ўчириш;
- [Backspace] – курсордан чапда турған бир белгини ўчириш;
- [Ctrl+Y] – курсор турған сатрни ўчириш;
- [Ctrl+K] – матнни курсор турған жойидан охирigача ўчириш.

Мазкур мұҳаррир билан ишлашда маҳсус тұгмалар вазифаси қүйидагича:

- [F2] – таҳрирланаётган файлни сақлад қўйиш (дискка ёзиш);
- [Shift+F2] – файлни бошқа ном билан ёзиб қўйиш (янги ном сұралади);
- [F10], [Esc] – таҳрирлаш ҳолатидан чиқиш. Агар файлга ўзгартыриш киритилған бўлса, ўзгартыришлар дискка ёзилиши керак [Save] ёки [Shift+F10] – таҳрирланган файлни ёзиб, таҳрирлаш ҳолатидан чиқиш.

Экраннинг юқори қисмидаги таҳрирланаётган файл ҳақида маълумотлар келтирилган. Улар чапдан ўнгга қўйидаги тартибда жойлашган: таҳрирланаётган файлнинг тўлиқ номи, файлга ўзгартыриш киритилған ва бу ўзгартыриш дискка ёзилмаган бўлса "*" белгиси, курсор турған сатр (Line), курсор турған устун (Col...), таҳрирлаш учун хотирадаги бўш жой (Free), курсор ўрнидаги ASCII коди.

Таҳрирлаш ҳолатига киришда [F4] ўрнига [Shift+F4] тұгмалари босилса, таҳрирланувчи файл номи сұралади. Агар

дискда мавжуд бўлмаган файл номи киритилса, янги файл яратиш - [New file] ёки таҳрирлашни бекор қилиш - [Cancel] ҳақида сўров чиқарилади. Икки ҳолдан бирини танлаб, [Enter] тұгмасини босамиз.

Ҳажми 26480 байтдан каттароқ файлни таҳрирлаш учун [Alt+F4] тұгмаларини босиб, ташқи матн мұҳаррiriри чақирилади. Ташқи мұҳаррир эса Norton Commander менюсининг "Configuration" ва "Editor" бўлимлари ёрдамида олдиндан белгилаб қўйилади.

Файллардан нұсха олиш.

Бир ёки бир неча файллардан нұсха олиш қўйидаги тартибда бажарилади:

- NCнинг бир ойнасига нұсхаси олинувчи файл ёки файллар жойлашган каталог чиқарилади;

- Нұсха олинувчи файл ёки файллар гуруҳи танланади, танланган файллар рангли экранда сариқ рангда, монохром экранда эса равшанроқ кўриниб туради. Ойнанинг қўйи қисмидаги танланган файллар сони ва умумий ҳажми кўрсатилади;

- NC нинг қўшни ойнасига файл ёки файллар ёзилиши керак бўлган каталог чиқарилади (ёки янги каталог тузилади ва унинг ичига кирилади);

- [F5] тұгмаси билан экранга файл ёки файлларни қаерга ёзиш тўғрисидаги маълумот чиқарилади, бунда файл ёзилиш жойи сифатида қўшни ойнадаги фаол каталог, файл номи сифатида унинг эски номи кўрсатилған бўлади. Агар шу каталогга файл ёки файлларнинг номларини ўзгартирмай ёзмоқчи бўлсангиз, экрандаги [Copy]ни танлаб [Enter] тұгмасини босасиз. Нұсха олинади.

Ушбу каталогга файлни бошқа ном билан ёзмоқчи бўлсангиз, экрандаги номни янгиси билан алмаштирасиз. Файллар бир неча бўлса, янги номлар * ва ? белгилари орқали умумий ифодаланиши мумкин.

Агар файл ёки файлларни экрандагидан бошқа каталогга ёзмоқчи бўлсангиз клавиатурадан [F10] тұгмасини босасиз ёки экрандаги [F10-Tree]ни танлаб [Enter]ни босасиз. Экранда фаол диск каталоглари шахобчаси кўринади. Зарур каталогни танлаб, [Enter]ни босасиз. Нұсха олиш учун эса яна бир бор

"р" ҳарфи билан ишлаш учун дастур

Norton Commander дастурининг оригинал варианти русча "р" ҳарфи билан ишлашга мосланмаган, клавиатурадаги бу ҳарф босилганда, ҳеч қандай амал бажарилмайди - ҳарфни киритиш мумкин эмас. Дастурни русча "р" ҳарфи билан ишлашга мослаш учун pstart.exe файлига қўйидагича ўзгартириш киритиш зарур (ўн олтилик санооқ системасида кўрсатилган).

| Байт (файл бошидан) | Эски матн | Янги матн |
|---------------------|-----------|-----------|
| 01E02 | E0 | 00 |
| 21902 | 87 | 80 |
| 21910 | 848682 | 8E8F90 |
| 21914 | 91 | 92 |
| 2191B | 94 | 9A |
| 21927 | A4809A90 | A5A6A7A8 |
| 2192B | 838E858F | AAABACAD |
| 2192F | 8088898A | AEAFE0E1 |
| 721933 | 8B8C8D8E | E2E3E4E5 |
| 21937 | 8F909292 | E6E7E8E9 |
| 2193B | 93999596 | EAEBECED |
| 2193F | 9798999A | EEEF2020 |
| 21943 | 9B9C9D9E | 20202020 |
| 21947 | 9FA0A1A2 | 20202020 |
| 2194B | A3A5A5 | 202020 |

Эслатма: Юқоридаги ўзгартиришларни дастурчилар ёки тажрибали фойдаланувчилар бажаришларини тавсия этамиз. Ўзгартириш киритишдан аввал файлдан нусха олиб қўйишни унутманг.

Мундарижа

| | |
|--|----|
| Сўз боши | 3 |
| Norton Commander дастури | |
| Дастурни ишга тушириш | 5 |
| Norton Commander экран | 6 |
| Ойналарнинг турли кўринишлари | 8 |
| Ажратилган файл ёки каталог | 10 |
| Махсус тугмаларнинг қўлланилиши | 11 |
| Файллар тўпламини танлаш | 12 |
| Файлларни кўриш | 13 |
| Файлларни таҳрирлаш | 13 |
| Файллардан нусха олиш | 15 |
| Файлларни кўчириш ва қайта номлаш | 16 |
| Файлларни ўчириш | 17 |
| Файл ҳолатини ўзгартириш | 18 |
| Дискни ўқищдаги католиклар | 18 |
| Каталоглар билан ишлаш | 19 |
| Бошқа каталогга тез ўтиш | 20 |
| Бошқа дискка ўтиш | 21 |
| Файлларни ишга тушириш | 22 |
| Файлни тез излаб топиш | 22 |
| Norton Commander тавсияномаси | 23 |
| "Left" ва "Right" бўлимлари | 24 |
| "Files" бўлими | 25 |
| "Commands" бўлими | 27 |
| "Options" бўлими | 28 |
| "Options" бўлимининг Configuration амали | 30 |
| nc.ext файлини таҳрирлаш | 31 |
| Фойдаланувчи тавсияномаси | 33 |
| Dirinfo файл | 33 |
| Norton Commanderдан чиқиш | 33 |

2002.

Norton Utilities дастурлари

| | |
|--|----|
| Norton Disk Doctor | 34 |
| Diagnose Disk - Дискни текшириш бўлими | 35 |
| Surface Test - Диск сиртини текшириш | 36 |
| Options бўлими | 38 |
| UnDo Changes бўлими | 39 |
| Дастурни ишга туширишда калитлардан фойдаланиш | 40 |
| Image дастури | 41 |
| Safe Format дастури | 42 |
| UnErase дастури | 45 |
| Файлларни автоматик равишда қайта тиклаш | 46 |
| Файлларни бирма-бир кўриб қайта тиклаш | 47 |
| UnErase дастури менюси | 49 |
| Менюнинг Search бўлими | 51 |
| Менюнинг Options бўлими | 52 |
| UnFormat дастури | 53 |
| Norton Commanderга оид иловалар | |
| Қисқача маълумотлар | 57 |
| Ички муҳаррирнинг бошқариш буйруқлари | 59 |
| Norton Commander файллари | 60 |
| "р" ҳарфи билан ишлаш учун дастур | 62 |

ИНТЭКО

ишилаб чиқариш тижорат фирмаси



Барча турдаги компьютерлар учун дастурлар

Дастурларни татбиқ этиш, фойдаланувчиларни ўқитиш ва доимий маслаҳатлар бериш

Барча турдаги компьютерларни таъмирилаш ва сервис хизмати

Офис техникалари ва эҳтиёт қисмларини қисқа муддатларда етказиб бериш

Халқ истеъмоли моллари, мураккаб майший аудио ва видео техникалари

МДҲ ва Ўзбекистон республикаси худудида савдо воситачилик фаолияти

Экология ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга инвестициялар

Исталган молларни шартнома асосида қисқа муддатларда етказиши

Манзилимиз: 700169 Тошкент шаҳри
Абдуллаев кўчаси, 30

Телефонлар: (3712) 68-27-31, 67-92-48
67-94-05, 68-55-72

Факс: (3712) 67-92-48

Сифат,
Интэко қулагайлик,
кафолат.